

МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТДАГИ ЕРЛАРНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ

Атакулов Тўхтамурод Умарович

қ.х.ф.н., тадқиқотчи (DSc)

«Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ

ORCID ID: 0009-0003-0026-8576

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги мелиоратив ҳолатдаги ер майдонларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда амалга оширилаётган тадбирлар, ер фонди тоифалари кесимида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар таркибидаги ўзгаришларнинг таҳлили бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: шўрланиш, ботқоқланиш, деградация, мелиоратив ерлар, ер фонди, суғориш тизимлари, тупроқ унумдорлиги, сув эрозияси, сизот сувлари.

Аннотация. В данной статье представлены данные о количественных и качественных изменениях земель сельскохозяйственного назначения с мелиоративным состоянием, о мероприятиях, направленных на улучшение мелиоративного состояния земель, а также анализ изменений в составе земель с плохим мелиоративным состоянием по категориям земельного фонда.

Ключевые слова: засоление, заболачивание, деградация, мелиоративные земли, земельный фонд, ирригационные системы, плодородие почвы, водная эрозия, грунтовые воды.

Abstract. This article provides information on the quantitative and qualitative changes in agricultural land with meliorative conditions, measures to improve the meliorative state of land, and an analysis of changes in the composition of poorly meliorative land by categories of the land fund.

Keywords: salinization, waterlogging, degradation, meliorative lands, land fund, irrigation systems, soil fertility, water erosion, groundwater.

Кириш. Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва унда кечадиган салбий жараёнларнинг олдини олиш, яъни мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали самарали фойдаланиш ва муҳофазалаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда мелиорация ва тупроқ муҳофазаси Давлат миқёсида муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифаларни ечишда биринчи навбатда табиатни муҳофазалашга доир тадбирлар бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида ишлаб-чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мелиоратив ҳолатдаги ерларнинг миқдор ҳолати табиий ресурсларнинг самарали фойдаланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ернинг мелиоратив ҳолати шўрланиш, ботқоқланиш, деградация ва бошқа экологик омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг миқдорини баҳолаш учун бир нечта асосий омилларни ҳисобга олиш керак.

1. Ернинг шўрланиши мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради, чунки бу ўсимликлар учун мослашувчанликни камайтиради. Одатда, шўрланган ерлар умумий ер майдонининг 20-30% ини ташкил этиши мумкин. Бундай ҳолатларда мелиорация тадбирлари, жумладан, дренаж ва зовур ҳамда ирригация тармоқларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш зарур.

2. Ернинг ботқоқланиши ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Ботқоқланган ерлар миқдори 10-15% га етиши мумкин, бу ҳолда дренаж тизимларидан самарали фойдаланиш керак.

3. Ер деградацияси физик ва кимёвий хусусиятларининг ёмонлашидир, бу ҳосилдорликни пасайтиради. Деградацияга учраган ерлар миқдори 20-40% ни ташкил этиши

мумкин. Бундай ерларда мелиорация тадбирлари амалга оширилиши керак.

4. Мелиоратив тадбирлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун дренаж тизимини йўлга қўйиш, суғоришни тўғри ташкил этиш ва тупроқ шўрланишни камайтириш каби тадбирларни режали амалга ошириш зарур. Мелиоратив тадбирлардан сўнг, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бунинг натижасида, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларнинг 50% гача яхшиланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2024 йил 1 январь ҳолатига экин ерлар 4 028,6 минг га, шу жумладан, суғориладиган экин ерларининг умумий ер майдони 3 245,1 минг га, мелиоратив ҳолати ёмон ерларнинг умумий майдони 415,8 минг га ташкил этади.

2024 йилда 2010 йилга нисбатан мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонлари кўпайганлигини кўрамиз (1-жадвал).

Сўнгги 15 йиллик мониторинг таҳлилларига кўра, республикамизда 2010-2016 йиллар оралиғида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдони 36 минг га ортганлиги, ва аксинча, 2017-2024 йиллар оралиғида 6,5 минг га камайганлиги қайд қилинган.

Юқорида келтирилганидек, 2010-2016 йиллар оралиғида мелиоратив ҳолати ёмон ер майдонлари кўпайганлигини, экин ер майдонлари, айнан суғориш сувини кам бўлганлиги сабабли сув таъминотини етишмаслиги, ички суғориш каналлари ва лоток тизимларини издан чиққанлиги оқибатида суғориладиган майдонларга сувнинг етиб бормаслиги, республикамизда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа тоифаларга

Ер фонди тоифаларида таркибидаги мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонларининг йиллар бўйича ўзгариши (2010-2024 йй.)
(минг га ҳисобида)

Т/р	Ер фонди тоифалари	Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари															2010 йилга нисбатан фарқи (+;-)
		2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	380,1	387,8	395,7	390,8	391,8	391,4	416,3	423	422,9	423	419,7	419,5	417	415	413,6	+33,5
2	Аҳоли пункти ерлари	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,1	0,1	0,1	-
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,2	-	-	-
6	Ўрмон фонди ерлари	1,0	1,3	1,5	1,5	1,6	1,6	0,6	1,8	1,2	1,4	1,9	1,7	1,7	1,7	1,8	+0,8
7	Сув фонди ерлари	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	+0,1
8	Захира ерлар	0,1	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,2		0,1	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	-
	Жами ерлар	381,3	389,5	397,5	392,7	393,7	393,3	417,3	425,0	424,4	424,8	421,8	421,6	419,3	417,1	418,5	+37,2

ўтиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши ва бошқа сабабларга кўра қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетганлиги билан изоҳланади. 2017-2024 йиллар оралиғида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдони камайганлиги суғориш иншоотларини тиклаш, тозалаш ва тартибга келтириш, экин ер майдонларида сув тежовчи технологияларнинг қўлланилиши билан изоҳланади.


Мелиоратив ҳолати ёмон ерларнинг миқдор кўрсаткичларининг 2010-2024-йиллар давомида ўзгариши 1-жадвалда ва 1-расмда кўрсатилган.

Олиб борилган таҳлилий мониторинг маълумотларига кўра, 2010 йилда ўрмон фонди ерларнинг 1,0 минг га мелиоратив ҳолати ёмон ерларни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бундай ерлар 1,8 минг га етган (1-жадвал).

Ер фонди тоифалар кесимида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилсак, сўнгги 2024 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 33,5 га, ўрмон фонди ерлари 0,8 га, сув фонди ерлари 0,1 га орган, захира ерлар таркибида ўзгариш ҳолатлари аниқланмаганлигини кузатиш мумкин (1-жадвал ва 1-расм).

Маълумки, қишлоқ хўжаликда деҳқончиликни ривожлантириш, эрозияга учраган тупроқларни унумдорлигини ошириш, тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Республикамизни асосий суғориладиган майдонлари тоғолди қияликларида жойлашган ва улар суғориш эрозиясига кўпроқ учраган. Тупроқларни устки қатламини суғориш натижасида емирилиши қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилини ва тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун бундай хўжаликларда тупроқ унумдорлигини тиклаш учун интенсив деҳқончилик тизимларидан ва янги замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш зарур. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, ирригацион эрозияга учраган тупроқларни унумдорлигини тиклаш ва пахта ҳосилини ошириш мақсадида, самарали инновацион усуллардан фойдаланилган ҳолда дала тажрибалари олиб борилган.

Ерларнинг сифати тупроқ қатламининг шўрланиши, тупроқларнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик даражаси, жойнинг рельефи, ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ва бошқалар бўйича аниқланади. Суғориладиган тупроқларнинг ярмидан ортигининг сифат баҳоси, яъни бонитети анчагина юқори ҳисобланади. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланишида табиий омил-



1-расм. Ер фонди тоифаларида таркибдаги мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонларининг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси (минг га ҳисобида)

ларга кўра антропоген омилларнинг таъсири юқори бўлади.

Давлат ер кадастрининг асосий қисмларидан бири тупроқлар сифат баҳоси – бонитировкаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда республикаимизда мавжуд фермер хўжаликлари суғориладиган ерларини сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда шу асосда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини белгилаш, бонитировка маълумотларидан турли мақсадларда фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларига қараб ерни сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш усулларида бири – унинг табиий унумдорлигини баҳолаш (бонитировка қилиш) ҳисобланади. Бонитировка қилишнинг асосий мақсади тупроқларнинг табиий унумдорлиги бўйича нисбий ҳамда барқарор хусусиятлари бўйича бир тупроқ хилининг иккинчидан неча марта яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборат.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг қўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқотларда биз томондан ўрганилган 4326,2 минг га суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражаси бўйича таҳлил қилинганда, 2034,3 минг га яхши ерлар (47%), 2098,8 минг га ҳолати қониқарли ерлар (48.5%) 193,1 минг га ҳолати қониқарсиз ерлар (4,5%)ни ташкил этди. Ер майдонларининг қониқарсиз ҳолатларининг сабаблари ўрганилганда 81,1 минг га сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ҳисобига, 83,8 минг га шўрланиш сабаблари бўйича, 28,2 минг га сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ҳамда шўрланиш сабаблари бўйича қониқарсиз ҳолатдаги ерлар тоифасига келиб қолган (2-жадвал).

Натижалар ва мунозара. Мониторинг жараёнида ўрганилган шўрланган ерлар майдони 2024 йил ҳолати бўйича таҳлил қилинса, Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган умумий майдонларга нисбатан – 71,2%; Бухоро

вилоятида – 47,9%; Қашқадарё вилоятида – 43,3%, Жиззах вилоятида – 72,0%; Навоий вилоятида – 74,5%; Сурхондарё вилоятида – 28%, Сирдарё вилоятида – 95,0%; Хоразм вилоятида 99,2% ни ташкил этади.

Жиззах вилоятида табиий-географик шароитни турлича таъсирида тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз, бўз – ўтлоқи ва ўтлоқи бўз ҳамда ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Суғориладиган деҳқончиликда фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисмини бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар ташкил этиб, жами суғориладиган майдоннинг 82.6 фоизини ташкил этади. Жиззах вилояти суғориладиган ерларининг 25016,7 гектари ёки 9,23 фоизининг бонитети 40 баллдан паст бўлиб, паст унумдор ерлар қаторига киради.

Вилоятда суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг 13,34% ирригацион эрозияга учраган. Ирригация эрозияси жараёни суғориладиган ерларда ҳамда тоғли ва тоғолди қиялик ерларда аниқ намоён бўлган. Вилоятнинг Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Жиззах, Зарбдор туманларининг яйлов, лалми ва суғориладиган ер майдонлари турли даражада ирригация эрозияга учраганлиги кузатилди. Ирригацион эрозия асосан нишаб ерларда экинларни суғоришда меъёрдан ортиқча сув қуйиб суғориш оқибатида содир бўлади. Вилоятда суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг 47,45% турли даражада гипслашган бўлиб, кучсиз гипслашган ерлар майдони 37,1% (асосан Арнасой, Мирзачўл, Зомин ва Зарбдор) туманларида, ўртача гипслашган тупроқлар-5,6% ни (Дўстлик, Зафаробод, Жиззах, Зомин ва Пахтакор) туманларида, кучли гипслашган тупроқлар 4,8% ни асосан (Зафаробод, Дўстлик, Пахтакор, Зомин ва Жиззах) туманларини ташкил этади.

Навоий вилояти бўйича суғориладиган тупроқларнинг сифатини баҳолаш ишлари 103244,7 гектар суғориладиган ер майдонида бажарилди. Навоий вилояти суғориладиган тупроқларининг **75331,4** гектари, яъни **73%** фоизи ўрта ва енгил механик таркибли тупроқлардан иборат.

Республика бўйича 2023 йил 1 январ ҳолатига суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати (кадастр) туғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Худудлар номи	Умумий суғориладиган майдон, минг га	Шўрланиш даражаси								
			яхши		қониқарли		қониқарсиз		қониқарсиз ҳолат сабаби, минг.га		
			минг.га	%	минг.га	%	минг.га	%	сизот сувлар сатҳи кўтарилган	шўрланиш сабаблари бўйича	ССС ва шўрланиш бўйича
Республика бўйича		4326,2	2034,3	47,0	2098,8	48,5	193,1	4,5	81,1	83,8	28,2
1	Қорақалпоғистон Республикаси	517,0	143,8	27,8	323,5	62,6	49,7	9,6	24,3	18,5	6,9
вилоятлар:											
2	Андижон	271,1	98,9	36,5	163,0	60,1	9,2	3,4	6,3	2,5	0,4
3	Бухоро	276,3	42,1	15,2	221,4	80,1	12,8	4,6	8,0	2,6	2,2
4	Жиззах	310,4	84,4	27,2	214,1	69,0	11,9	3,8	6,9	4,6	0,3
5	Қашқадарё	513,3	293,0	57,1	209,5	40,8	10,8	2,1	2,1	8,7	0,0
6	Навоий	123,1	29,0	23,6	87,8	71,3	6,2	5,1	1,6	4,5	0,1
7	Наманган	289,7	260,2	89,8	26,1	9,0	3,4	1,2	0,9	2,2	0,2
8	Самарқанд	380,2	258,5	68,0	112,3	29,5	9,5	2,5	9,1	0,1	0,3
9	Сурхондарё	324,8	294,4	90,6	28,6	8,8	1,8	0,6	0,2	0,7	1,0
10	Сирдарё	287,2	10,0	3,5	230,1	80,1	47,1	16,4	13,4	28,5	5,2
11	Тошкент	400,2	366,3	91,5	33,1	8,3	0,8	0,2	0,8	0,0	0,0
12	Фарғона	367,3	153,9	41,9	201,7	54,9	11,8	3,2	6,1	5,6	0,1
13	Хоразм	265,6			247,5	93,2	18,1	6,8	1,6	5,2	11,3

Шамол эрозияси асосан қумлоқли ва қумли механик таркибли тупроқларда содир бўлиб, уларнинг ер майдонлари **5995,8** гектарни (**5,8** %) ташкил этади.

Шўрланганлик даражаси тупроқдаги зарарли (заҳарли) сувда осон эрувчан тузларнинг умумий миқдорини кўрсатади. Тупроқнинг шўрланиши асосан, майдонлардан ерости сувининг оқиб чиқиб кетмаслиги ва ариқ-зовур тармоқларининг ишламаслигидан келиб чиқади.

Тупроқнинг шўрланиши, унинг шўрланиш даражаси, шўрланиш типи, тузлар химизми, тузли горизонтнинг жойлашиш чуқурлиги ва ерости сувининг чуқурлиги билан фарқланади.

Навоий вилояти бўйича шўрланган ерлар (ўрта, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар) **69872,8** гектар ерни ташкил этиб, бу вилоят суғориладиган ерларининг **67,7% ни** ташкил этганлиги аниқланди. Вилоятдаги кучсиз шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **54,0 %** ни, яъни **55764,8** гектарни; ўртача шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **11,9 %** ёки **12301,0** гектарни; кучли шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **1,2 %** ни ёки **1280,9** гектарни, жуда кучли шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **0,5 %** ни, яъни **526,1** гектар ерни ташкил этади.

Сирдарё вилояти Турон тупроқ-иклим провинциясининг оч тусли бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида оч тусли бўз тупроқлар жуда кам қолган. Вилоят ҳудудида гидроморф ва яримгидроморф тупроқлар кенг тарқалган. Сирдарё вилояти суғориладиган тупроқлари оч тусли бўз, ўтлоқ-бўз, бўз-ўтлоқ ва ўтлоқ тупроқлардан

иборат. Сирдарё вилоятида шўрланмаган майдонлар 20439,5 гектарни, ёки суғориладиган майдонга (267391,7 гектар) нисбатан (7,6%) ни, кучсиз 140162,2 гектар (52,4%) ни, ўртача 55357,5 гектар (20,7%) ни, кучли 24324,5 гектар (9,1%) ни ва жуда кучли шўрланган майдонлар эса 27 108,1 гектар (10,1%) ни ташкил этади. Сирдарё вилояти суғориладиган зонасидаги гипслашган майдонлар 76600,4 гектарни ёки суғориладиган майдонга нисбатан 28,6% ни ташкил этади, шундан кучсиз гипслашган майдонлар 16,7% ни (44774,1 га) ни, ўртача гипслашган майдонлар 8%(21516,2) ни ва кучли гипслашган майдонлар эса 3,9% (10310,1 га)ни ташкил этади. Ўтказилган тадқиқот маълумотларига кўра, Сирдарё вилоятининг 265191,59 гектар (99,18%) майдонларида тош аралашмаган, 2200,10 гектар (0,82%) майдонлар эса турли даражада тошлоқлигини намоён этади. Вилоят суғориладиган тупроқлари амалда ирригация эрозиясига чалинмаган.

Вилоятда суғориладиган ерларидаги ҳолати ёмон ерлар асосан қуйидаги гуруҳлардан иборат:

1. Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар 11802 га, шундан:
 - Ерости сизот сувлари кўтарилиб ботқоқлашган ерлар - 2335 га;
 - Кучли шўрланган ерлар - 9468 га;
2. Сув таъминоти етишмайдиган ерлар - 5962 га.
3. Мелиорация тизимлари (коллектор ва дренажлар ишламаслиги оқибатида) ишдан чиққан ерлар 88 гани ташкил этади.
4. Сурункасига қишлоқ хўжалиги экинлари экилмаслиги оқибатида яроқсиз ҳолатга тушган ерлар -1225 га.

5. Фойдаланилмасдан бўз ҳолатига ўтган ерлар - 25 га.

Бу ўринда биринчи навбатда ҳозирда фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалик оборотиға қайта киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Бухоро вилоятида олиб борилган тадқиқот ишлари сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли ҳамма суғориладиган ва суғорилмайдиган тупроқлар шўрланишга мойил. Мелиоратив жиҳатдан ўрганадиган бўлсак, нисбатан Қорақўл, Ғиждувон, Олот, Қоровулбозор, Ромитон, Вобкент, Шофиркон туман ерлари яхши ҳисобланади. Вилоятнинг шўрланган ерлар майдони 237,1 минг гектар (86,2%) ни ташкил этади. Вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ҳолати ёмонлашишига ер майдонларининг гипслашганлиги ҳамда тошлоқланишини келтиришимиз мумкин. Бухоро вилоятида гипслашган

тупроқларнинг жами майдони 2519 гектарни ташкил қилади. Тошлоқли майдорлар эса 30432 гектарни ташкил этади. Тошлоқли тупроқлар тарқалган ҳудудлар асосан сув ва шомол эрозиясига мойил ва шу сабабли бундай ерларда эрозияга қарши чора тадбирларни амалга ошириш зарур.

Хулоса. Мелиоратив ҳолатдаги ерларнинг миқдори ва сифатидаги ўзгаришлар уларнинг шўрланиш даражаси, унумдорлиги ва экологик ҳолатига боғлиқ бўлиб, бу ерлардан самарали фойдаланиш ирригация тизимларини такомиллаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали оширилиши мумкин. Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш учун доимий мониторинг, сув ресурсларини тежамкор бошқариш ва экологик хавфсизликка алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Давлат Ер кадастри тўғрисида қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги ҳамда Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 529-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7-февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши.
5. Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатасининг Миллий ҳисоботи. - Тошкент, 2010-2024. - 87 б.
6. О.Э.Хакбердиев, Ғ.С.Содиқова. Ўзбекистоннинг ер-сув ресурслари: муаммо ва ечимлари. Ўқув қўлланмаси. -Тошкент: 2017, 60 б.
7. Тураев Р.А., Ташбаева Ҳ.Х. Ер ҳисоби юритишнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти // «O'zbekiston zamini» ilmiy-amaliy va innovatsion jurnal. - Toshkent: «O'zdavyerloyiha» DILI, 2020. - №2. - B. 19.
8. Бабажанов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри / Ўқув қўлланмаси. - Тошкент: «Чўлпон», 2014. - 204 б.
9. Бабажанов А.Р., Рўзиев С.Б. Қишлоқ хўжалиги ердарида оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини тартибга солиш // «Agroiqtisodiyot» илмий-амалий агроиқтисодий журнали. - Тошкент, 2019. - №2. - Б. 170-172.
10. Ш.Тешаев, Б.Холиқов, Р.Қўзиев, Н.Абдурахмонов ва бошқалар / Жиззах, Бухоро ва Сирдарё вилоялари тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар. Тошкент: «Saydana-print» нашриёти, 2017. - 64-б.
11. Ўзбекистон суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати ва уни яхшилаш / Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография, ва давлат кадастри давлат қўмитаси. М.И.Рузметов, О.А.Жабборов, Р.Қ.Қўзиев, С.А.Абдуллаев ва бошқалар. - Тошкент: «Университет» нашриёти, 2018. - 304-б.